

ZOOVETERINARIYA

Ilmiy-omtabor  jurnal

Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, бунинг негизида аввало, тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам продаси мужассамдир.

Ислом КАРИМОВ

**Бетакроримсан, ягонасан,
она Ватаним – Ўзбекистоним!**



2015

9

сентябрь

ISSN 2091-554-3

3-бет

Хизматида

ҳикмат кўп

7-бет

Лазер:

фойдаю зарар

19-бет

Сут таркибини

биласизми?

21-бет

Дезинвазия

29-бет

Наслдор буқа –

кони фойда

37-бет

Беда –

бебаҳо озуқа

43-бет

Мулқдорлик –

бедорлик демак

47-бет

Сўранг,

жавоб берамиз

УДК:636.2:637.1

Ф.Р. Сатторов, Э.С. Шаптаков, А.Хушвақтов,
А.Қ.Қаҳоров, Сам ҚХИ

СИГИРЛАРНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА СУТИНИНГ АЙРИМ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация

В статье приведены данные сравнительного анализа молочной продуктивности и качества молока чистопородных коров в зависимости от числа лактации.

Ключевые слова: корова, молочная продуктивность, молоко, генотип, помесные животные, удой за лактацию, лактация.

Сигир сути – бебаҳо бойлик. Дунё бўйича истеъмолдаги сутнинг 80 фоиздан ортиғи сигир сутидир. Сутнинг таркибида 100 дан ортиқ инсон организмда энгил хазм бўладиган моддалар аниқланган. Сутнинг салмоғи ва сифатига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Ушбу моддалар сигирлар истеъмол қилган озуқаларидан олинади. Шу сабаб озуқа асосий омиллардан ҳисобланади.

Шунинг учун сут маҳсулдорлигини ўрганганда унинг бир кунда, бир ойда ва лактация давомида берган сут миқдори, уни 4% ли сутга айлантиригандаги кўрсаткичи, сут таркибидаги ёғ ва оқсил кўрсаткичлари, сут ёғи ва оқсил чиқими аниқлаш муҳим ҳисобланади. Юқорида зикр этилган маълумотларни аниқлаш учун Самарқанд вилояти Пастдарғом туманига қарашли “Улуғбек–Ойбек” МЧЖ нинг қорамолчилик фермасида тажриба учун қора-ола зотига мансуб сигирлар ва уларни голштин зотининг насли буқалари билан чагиштириш натижасида олинган биринчи бўғин авлодларидан 20 бош

Summary

On this article analyzed the quality of milk during its lactation

Key words: Cov, milk products, milk genotype, local animals, due to the laktation.

сигир танлаб олинди, уларнинг I ва II лактацияларда берган сут соғими, сутининг сифат кўрсаткичларини таққослаб ўргандик. Олинган маълумотлар куйидаги жадвалда акс эттирилди.

Лактация давомида сут соғими бўйича энг юқори кўрсаткичга II гуруҳдаги чагишма сигирлар ўзининг 2-лактациясида эришган ва 3878,3 кг га тенг бўлган. Бу эса ўз тенгқурлари I гуруҳ 1-лактацияда, I гуруҳ 2-лактацияда ва II гуруҳ 1-лактациядаги сигирлар кўрсаткичидан мутаносиб равишда: 615,2 кг (P<0,01) ёки 18,9 фоиз, 273,7 кг (P<0,05) ёки 7,6 фоиз ва 271,9 кг (P<0,01) ёки 7,5 фоиз кўлдир. Тажриба давомида олинган сут миқдори бўйича I гуруҳ 1-лактация, I гуруҳ 2-лактация, I гуруҳ 1-лактация, II гуруҳ 1-лактация ва I гуруҳ 2-лактация, II гуруҳ 1-лактациядаги гуруҳларнинг фарқи охирилари фойдасига шунга мос равишда: 341,5 кг (P<0,01), ёки 10,5 фоиз, 345,3 кг (P<0,05) ёки 10,5 фоиз ва 1,8 кг (P>0,05) ёки 0,5 фоизни ташкил қилган.

Ҳайвонларнинг сут маҳсулдорлигига қараб баҳолаганда ва ҳисобга олганда дастлаб эътиборга

Жадвал.

Тажрибадаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, кг (n=10)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар							
	I				II			
	I лактация		II лактация		I лактация		II лактация	
	X±Sx	Cy,%	X±Sx	Cy%	X±Sx	Cy%	X±Sx	Cy%
Лактация давридаги сут соғими, кг	3263,1±48,17	15,4	3604,6±54,11	17,46	3606,4±46,80	14,80	3878,3±48,14	15,34
Сутнинг ёғлилик даражаси, %	3,74±0,02	2,00	3,75±0,03	1,11	3,72±0,03	2,70	3,74±0,01	1,98
Сутнинг оқсил даражаси, %	3,44±0,03	2,60	3,44±0,04	1,30	3,42±0,02	1,70	3,43±0,03	1,80
Сут ёғи чиқими, кг	122,1±3,10	7,80	135,2±4,05	8,41	134,1±2,97	10,08	145,0±4,11	9,48
Сут оқсими чиқими, кг	112,3±4,11	12,00	124,0±3,71	10,48	123,3±4,03	9,78	133,0±3,01	11,17
4% ли сут миқдори, кг	3051,3±51,18	9,11	3380,0±49,70	9,18	3354,0±54,5	7,21	3626,2±49,17	8,72
100 г сут ёғига гўғри келадиган сут оқсими, г	92,00±0,09	0,90	91,70±0,08	1,10	92,00±1,10	1,20	91,80±0,60	1,00
Ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиғи (ЕКСК), %	8,78±0,01	0,30	8,87±0,01	0,30	8,83±0,01	0,27	8,84±0,01	0,31
Сут қанди, %	4,45	X	4,45	x	4,46	x	4,46	x
Қуруқ модда, %	12,51	X	12,50	x	12,40	x	12,52	x

Изоҳ: I гуруҳ соғ зотли қора-ола зотига мансуб сигирлар
II гуруҳ F₁ (қора-ола x голштин)

олинадиган кўрсаткич сутнинг ёғлилик даражаси ва ундаги оксил кўрсаткичи ҳисобланади.

Тажрибадаги сизирлар сутининг ёғлилик даражаси 3,72 ва 3,75 фоиз оралиғида бўлган. Бошқача қилиб айтганда, энг юқори кўрсаткич тажрибадаги I гуруҳ 2-лактация сизирларида кузатилган бўлиб, 3,75 фоизга тенг. Яъни, бу кўрсаткич бўйича ушбу гуруҳ сизирлари ўз тенгқурлари, I гуруҳ 1-лактация, II гуруҳ 1-лактация ва II гуруҳ 2-лактация гуруҳларидаги сизирларга нисбатан тегишли равишда: 0,01; 0,03 ва 0,01 фоиз юқори кўрсаткичга эришган. Бу кўрсаткич бўйича I гуруҳ 1-лактация ва II гуруҳ 1-лактациядаги гуруҳларнинг фарқи 0,02 фоиз бўлган.

Сут таркибидаги оксил даражаси ҳам муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Тажрибадаги сизирлар сутининг таркибидаги оксил даражаси бўйича, I гуруҳ 1-лактация ва I гуруҳ 2-лактация гуруҳларидаги сизирлар юқори кўрсаткичларга эришган ҳамда бу кўрсаткич уларда 3,44 фоизга тенг бўлган. Бу эса ўз тенгқурлари II-гуруҳ 1-лактация ва II гуруҳ 2-лактация гуруҳларидаги сизирлар кўрсаткичидан тегишли равишда: 0,02 ва 0,01 фоиз кўпдир.

Инсон организми учун муҳим ҳисобланган, тез ва энгил ҳазм бўладиган маҳсулот бу – ёғ ва оксил. Тажрибада энг юқори сут ёғи чиқими, II гуруҳдаги сизирларнинг 2-лактациясида кузатилган бўлиб, 145,0 килограмми ташкил этган. Бошқача қилиб айтганда, улар бу кўрсаткич бўйича ўз тенгқурларини мутаносиб равишда: 22,9 кг ($P < 0,01$) ёки 18,8 фоиз, 9,8 кг ($P < 0,05$) ёки 7,2 фоиз ва 10,9 кг ($P < 0,01$) ёки 8,1 фоиз ортда қолдирган. Ушбу кўрсаткич бўйича, I гуруҳ 1-лактация, I гуруҳ 2-лактация, I гуруҳ 1-лактация, II гуруҳ 1-лактация гуруҳларнинг фарқи мутаносиб тарзда: 13,1 кг ($P < 0,05$) ёки 11,0 фоиз, 12,0 кг ($P < 0,05$) ёки 9,8 фоиз ҳамда I гуруҳ 2-лактация, II гуруҳ 1-лактация гуруҳдагиларнинг фарқи 1,1 кг ($P < 0,05$), ёки 0,8 фоизга тенг бўлган.

Тажрибадаги сизирларнинг сут оксиди чиқими бўйича энг юқори кўрсаткичи ҳам II гуруҳ 2-лактациядаги ҳайвонларида кузатилган. Бошқача қилиб айтганда, улар бу кўрсаткич бўйича ўз тенгқурлари, I гуруҳ 1-лактациядаги сизирларини 20,7 кг ($P < 0,01$) ёки 18,4 фоиз, I гуруҳ 2-лактация гуруҳни 9,0 кг ($P < 0,05$) ёки 7,2 фоиз ва 9,2 кг ($P < 0,05$) ёки 7,9 фоиз ортда қолдиришган. Сут оксиди чиқими бўйича, I гуруҳ 1-лактация, I гуруҳ 2-лактация, I гуруҳ 2-лактация, II гуруҳ 1-лактация ва I гуруҳ 2-лактация, II гуруҳ 1-лактация гуруҳларидаги сизирларнинг фарқи охиригилари фойдасига мутаносиб равишда: 11,7 кг ($P < 0,01$) ёки 10,4 фоиз, 11,0 кг ($P < 0,05$) ёки 9,8 фоиз ва 0,7 кг ($P > 0,05$) ёки 0,6 фоизга тенг бўлган. Демак, сут маҳсулоти сифатини фойдалайдиган ёғ ва оксилнинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичи бўйича ҳам соф зотли сизирлар ва чатишма ҳамда 1-лактациядаги сизирларга қараганда 2-лактациядаги сизирлар юқори кўрсаткичга эришган.

Сизирларни сут маҳсулдорлиги бўйича танлаганда, албатта, лактация давомида берган сут соғими ва 4%ли сутга айлангандаги кўрсаткичи ҳисобга олинади ва бу келгуси селекция иши учун муҳим ҳисобланади. Тажрибадаги сизирларда 4% ли сут миқдори 3051,3-3626,2 кг оралиғида бўлган. Бошқача

килиб айтганда, соф зотли 1-лактациядаги сизирларнинг 4% ли сутининг миқдори 3051,3 кг бўлиб, ўзининг тенгқурларидан тегишли равишда: 328,7 кг ёки 10,8 фоиз, 302,7 кг ёки 9,9 фоиз ва 574,9 кг ёки 18,8 фоиз ортда қолган. Бу кўрсаткич бўйича, I гуруҳ 2-лактация, II гуруҳ 1-лактация, I гуруҳ 2-лактация, II гуруҳ 2-лактация ва II гуруҳ 1-лактация, II гуруҳ 2-лактация гуруҳларидаги сизирларнинг фарқи охиригилари фойдасига тегишли равишда: 26,0 кг ёки 7,8 фоиз, 246,2 кг ёки 7,3 фоиз ва 272,2 кг ёки 8,1 фоизга тенг бўлган.


Охиригилари вақтларда сизирларнинг зоти, зотдорлиги ва ёшидан қатъий назар сут маҳсулдорлиги бўйича баҳо берганда 100 г сут ёғига тўғри келадиган сут оксиди кўрсаткичини ҳисоблаш одат бўлган. Тажрибадаги сизирларнинг генетик келиби чиқиши ва лактация кесимида ушбу кўрсаткич ўртача 92,0 ва 91,8 грамм оралиғида бўлган. Бунда ҳар иккала гуруҳдаги, 1-лактациядаги сизирлар, ўз тенгқурлари, 2-лактациядаги сизирларга нисбатан устиворликка эришган.

Тажрибадаги сизирларда ёғсизлантирилган курук сут қолдиғи (ЁКСК), сут қанди ва сутнинг таркибидаги курук модда кўрсаткичлари бўйича ҳам унчалик катта бўлмаса-да фарқ кузатилган. Бунда ҳам чатишма сизирлар, соф зотлига қараганда, 2-лактациядаги сизирлар эса 1-лактациядаги тенгқурларига қараганда устунлик қилган.

Шундай қилиб, сутнинг салмоғи ва унинг айрим сифат кўрсаткичлари бўйича чатишма сизирлар соф зотлиларига қараганда ва иккинчи лактациядаги сизирлар эса биринчи лактациядаги тенгқурларига қараганда ижобий кўрсаткичларга эришган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Басонов Н.В. и др. Молочная продуктивность голштинизированного черно-пестрого скота. // Зоотехния. 2010. №7. С. 15-17.
2. Бурхонова В.Э., Шапгаков Э., Исмаилова Л. Қора-ола ва хар хил генотипли голштинлаштирилган сизирларнинг сут маҳсулдорлиги. //Агроим. 2009. №1.536.
3. Досмухамедова М.Х., Носиров У.Н. Қора-ола зотли голштинлашган сизирларнинг ёз мавсумидаги сут соғими ва физиологик функцияси. "Ўзбекистон аграр фан хабарномаси" Тошкент. 2007 №1-2. 93-97 б.
4. Максудов И., Амиров Ш., Каримов Ш. Разведение черно-пестрого скота в Узбекистане. //Молочное и мясное скотоводство. 2004. №6. 34 с.
5. Нарбоева М.К. Продуктивность голштинских, черно-пестрых пород и их помесей в условиях южной зоны Узбекистана. Автореф. дисс. канд. с-х. наук. Ташкент. 2012. 21 с.
6. Носиров У.Н., Максудов И.М., Досмухамедова М.Х. Ўзбекистонда қорамолчиликни ривожлантириш омиллари. Тошкент. 2011. 198 б.
7. Степанов Д.В., Родинов Н.Д. Молочная продуктивность голштинизированного черно-пестрого скота. // Зоотехния. 2006. №12. С. 5-9.
8. Шибаева Е.П., Никифоров Д.А. Экономическая эффективность использования коров черно-пестрой породы разных генотипов. // Зоотехния. 2009. №11. С. 12-13.



Тўйга тўёна деганларидек, Зангиота туманидаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Европа талаблари даражасида замонавий жиҳозланган, сифатли колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонани қуриб фойдаланишга топширди. Энди Мухтор хожи Тўхтаниёзов бош бўлган корхонанинг турфа хил ва чиройли қадоқланган маҳсулотларига хариддорлар сони янада ортади. Сизга кўз тегмасин, Мухтор ака.

Қашқадарё вилояти.

– Чорва наслини яхшиланг ука, Муртазо Йўлдошев яхши ветврач, унинг маслаҳатини олиб, барча сигир ва ғунажинларингизни сунъий уруғлантиринг. Натижасини бир йилга бормаи кўрасиз.

– Тўғри гап, наслчилик ҳақида ўйласам уйқум қочади. Кеча бозорда қизил чўл зотли бир бош болали сигирни талашиб, тортишиб 14 миллион сўмга сотишди.

– Агар хўжаликка наслчилик мақоми берилса, озуқа экинлари учун қўшимча ер ҳам беришади. Ана шунда ҳам кўп, ҳам сифатли бойитилган озуқа жамғариш имкони туғилади.

Ўзаро суҳбатлашаётган бу икки кишини таништирайлик. Уларнинг бири Қамаш туманидаги "Орол" фермер хўжалиги раҳбари Алишер Рўзиев, иккинчиси туман Давлат ветеринария бўлими бошлиғи Шуҳрат Эшматов. Дарвоқе, мазкур фермер хўжалигининг



фермасида бугун 66 бош қорамол парваришланмоқда.

Тошкент вилояти.

Саидазим Ғиёсов тажрибали, касбини яхши ўзлаштирган мутахассис. Шу боис уни сўровчилар кўп. Сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш борасида у Янгийўл туманида бошқаларга ибрат бўлиб меҳнат қилмоқда.

– Биз одамларнинг кўнглига йўл топиб ишлаётган Саидазим акага ўхшаш ветврачларга ҳар томонлама кўмак беришга интиляпмиз, – дейди Халқобод зооветпунктидаги иш жараёнини кузатаётган туман молия бўлими мутахассиси Баҳром Собиржонов. – Ўтган йил ветеринария тизимини ривожлантиришга 115 миллион сўм берган эдик. Жорий йилда эса маҳаллий бюджет ҳисобидан 59 миллион 185 минг сўм ажратилди ва бу пулга 12 дона музлаткич, 13 дона микроскоп ва бошқа керакли ускуналар олинди. Айни чоғда бу зарурий ашёлардан осеминаторлар самарали фойдаланмоқда.



Навоий вилояти.

– Сифатли пилла уруғини тайёрлаш, уни жойларга етказиш ва бир ойдан сўнг пиллакорлардан уруғликка ярайдиган сифатли пилла хом ашёсини қабул қилиб олиш айримлар ўйлаганидек осон иш эмас, – дейди вилоят пилла уруғчилиги идорасининг раҳбари Феруза Эшонқулова. – Ўтган мавсумда уруғларни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Тошкент вилоятларидаги пиллакорларга бердик. Етиштирилган уруғлик пиллани қатъий назорат асосида қабул қилиб олдик ҳам.

– Энг муҳими, хом пилла пулини ўз вақтида беряпмиз. Пиллакорларимиз шундан хурсанд, – дея суҳбатга қўшилади корхона бош ҳисобчиси Абдурашид Одилов. – Айни пайтда юртимизнинг барча пиллакорларини, шу соҳа билан тақдирини боғлаган кишиларни улуғ айём – Истиқлолимизнинг 24 йиллиги билан муборакбод этаман. Хирмонлару умрингизга барака, азиз юртдошлар.

